



Ислом Нури

Абу Абдуллох шундай хикоя қилади: «Сизга ушбу воқеани қандай хикоя қилиб беришни ҳам билмайман... Бу воқеа мени ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборган. Бу ҳақиқатни, очишга ҳеч ботинолмасдан юрардим...Лекин Аллох олдидаги масъулиятни ҳисси мени хикоя қилишга ундади. Токи Роббисига осий бўлиб юрган йигитлар ва ясама, пуч ҳаёлларни «севги» номи билан атаб юрган қизларга бир огохлантириш, ибрат бўлсин.

Биз орамизни енгилтаклик ва манманлик жамлаган уч дуст эдик. Йўқ тўртта эдик... Тўртинчимиз шайтон эди...

Биз содда қизларни ўзимизнинг мулойим, ширин сўзларимиз билан алдаб-сулдаб чекка далаховлиларга олиб чиқардик... У ерда эса биз тўсатдан йирткич бўриларга айланар, уларни ялиниб ёлборишларига ҳам парво қилмасдик...Чунки бизнинг қалбларимиз, ҳисларимиз ўлган эди...

То унутилмас ўша кун келгунча, бизнинг куну-тунларимиз мана шундок тарзда, далаларда, чодирларда, денгиз қирғоқларида машиналарда ўтиб борарди...

Бир куни одатимиз бўйича, далаховлига чиқдик... Ҳамма нарса ҳозирланган эди...Хар биримизда биттадан «нихол», лаънати ичкилик ҳам етарли... Лекин егулик олиш ҳаммамизнинг ёдимиздан чиқибди...Бироздан сўнг ичимиздан биттамыз кечки овқат олиб келиш учун ўз машинасида кетди. Соат тахмиман, кечки етилар эди. Негадир, орадан бир неча соат ўтса-да ундан дарак бўлавермади...Соат ўнларда безовта бўла бошладим ва ва машинада уни ахтаришга тушдим...Бир вақт не кўз билан кўрайки, йўлда...Етиб борганимда дўстимнинг машинаси бир ёнга ағдарилган қўйи алангага



Ислом Нури

бурканиб ёниб ётарди...Эсим огиб колаёзган алфозда, югуриб, машина ичидан дўстимни чикаришга ҳаракат килдим... Деярли танасининг ярми кўмир каби корайиб, куйиб кетган дўстимни кўрганимда, бир муддат серрайиб котиб колдим...Хали хаёт аломати билиниб турган танани кўтариб, ерга еткиздим...Бир неча дакикалардан сўнг кўзини очди ва «Олов! Олов!» дея алахсирай бошлади. Машинамга ётқизиб, касалхонага олиб боришга аҳд килдим, лекин у: «Фойдаси йук...Барибир етиб бормайман...» деди инграган овоз билан. Кўз олдимда жон бераётган дўстимга караб турарканман, кўз ёшларим сел каби окарди... Бирдан у бакира бошлади: «Энди нима дейман унга...Нима дейман унга?» Унга дахшат билан қарадим ва: «Ким у?» деб сўрадим. Чуқур кудук қаъридан келаётган каби овоз билан: «Алло-о-о-х» деди. Чакмок ургандек сесканиб кетдим.... Кутилмаганда дўстим охири нафасларини жамлаб, бир кичкирди-да, бўшашиб колди...Кунлар ўтсада, ёдимдан ёнаётган олов ва вафот этган дўстимнинг: «Энди нима дейман унга...Нима дейман?» деб кичкираётган манзараси чикмас, қайта-қайта хаёлимга қуйилиб келаверарди. Ўзимга ўзимга савол бера бошладим: «Мен нима дейман Унга?» Кўзимдан ёшлар қуйила бошлади. Шу вақт муаззиннинг бомдод намозига айтаётган нидоси таралди: «Аллоху акбар! Аллоху акбар...Хаййа алас солат...Бу нидо хоссатан мен учун, мени нур ва хидоят йўлига чакириш учун деб хис килдим...Гусл қилиб ювиндим ва тахорат олдим. Йиллар давомида тўпланиб қолган разилликлардан жисмимни покладим... Намозни адо этди... Ўша кундан бошлаб фарзларни тарқ этмай адо қила бошладим. Аллохга ҳамд айтаман чунки, Ундан бошқаси ҳамдга лойик эмас... Бошқа инсонга айландим... Ахволларни ўзгартирувчи Зот қандай ҳам пок... Аллох изни билан умрага тайёрланаяпман...Иншааллох, ҳажга ҳам ниёт бор, яна қайдам, ахир умрлар Аллох субҳанаху ва таолонинг қўлида-ку.»



Бу Абу Абдуллохнинг тавбаси киссаси эди. Аллох хаммамизни динда собит килсин. Ёшларни факат огохликка, сергакликка чакирамиз...Ва Аллох белгилаган хад-худудларни саклашга монълик киладиган хар кандай сухбатлардан эхтиёт бўлишга чакирамиз. Абу Абдуллохнинг хикоясида ибрат бор. Борми ибрат олувчилар?!